

АХСИКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТАРИХИ ВА АРХИТЕКТУРАСИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-32>

Мирсайдуллаев Мирмахмуд Миршоҳидович,

Профессор, Турон ФА Академиги,

З.Бобур Халқаро мукофоти лаурияти

Валиев Санжар Рафаелевич,

Турон Фанлар Академиясининг илмий ходими

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ахсикент қадимий турар-жойнинг кўп асрлик тарихи, унинг ривожланиши ва шаҳарсозлик элементларнинг архитектураси ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида тарихий маълумот берилган. Ушбу археологик миллий меросни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш муҳимлиги қайд этилди.

Калит сўзлар: Ахсикент, тарих, архитектура, ривожланиш, шаҳарсозлик элементлари, миллий мерос.

ИСТОРИЯ И АРХИТЕКТУРА ГОРОДИЩА АХСИКЕНТ

Мирсайдуллаев Мирмахмуд Миршоҳидович,

Профессор, Академик Академии наук Турон,

Лауреат Международной премии З.Бобура

Валиев Санжар Рафаэльевич,

Научный сотрудник Академии наук Турон

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся исторические сведения об многовековой истории формирования древнего городища Ахсикент, его развития и архитектуре градостроительных элементов и его составляющих. Отмечается важность сохранения данного археологического для будущих потомков.

Ключевые слова: Ахсикент, история, архитектура, развитие, градостроительных элементов, народного наследия.

HISTORY AND ARCHITECTURE OF THE CITY AHSIKENT

Mirsaydullaev Mirmahmud Mirshohidovich,

Professor , Academician of the Academy of Sciences Turon


Winner of the International Prize Z. Bobur

Valiev Sanjar Rafaelevich,

Researcher Turon Academy of Sciences

ANNOTATION

The article provides historical information about the centuries-old history of the formation of the ancient settlement of Ahsikent, its development and architecture of



town-planning elements and its components. The importance of preserving this archeological national heritage for future descendants is noted.

Key words: Ahsikent, history, architecture, development, national heritage.


Милоднинг бошларида Ахсикент Фарғона водийсидаги катта истехкомли шаҳар бўлган. Шаҳарнинг мудофаа деворлари I асрнинг биринчи ярмида маҳобатли кўринишга эга бўлган, яъни жуда қисқа вақт ичида мустаҳкам ва тенги йўқ мудофаа истехкомлари барпо этилган. Масалан, иккинчи шаҳристонда 2 қатор қалин ва тенги йўқ девор, икки қатор хандак ва ўзига хос бурчлар қурилади. Натижада, шаҳар мудофаа деворининг қалинлиги 20 метрга етади. Бурчлар эса ўзига хос услубда қурилган бўлиб, мудофаа деворининг ташқи томонига чиқмай, унинг ўрнига деворнинг тепа сатҳидан (парапетдан) яна камида 5-6 метр баланд бўлган. Шунинг ҳисобига мудофаа деворининг баландлиги ҳам 20 метрга етган. Ҳозирги кунларда ҳам ушбу бурчларнинг қолдиғи мудофаа деворининг сақланган қисми сатҳидан 3-4 метр баланд.

Милоднинг I асрларига келиб Фарғона водийсининг дарё ва сой хавзаларидан энг унумдор ерлар тўлиқ ўзлаштирилади, яъни деҳқончилик кенг ривожланади. Шу билан бирга халқаро савдо алоқаларининг кенгайиши, кўп тармоқли хунармандчиликнинг жадал ривожланиши, кончиликнинг тезкорлик билан ўсиши шаҳар маданиятининг ҳар томонлама барқ уриб, гуллаб-яшнашига олиб келди. Шатижада Ахсикент шаҳри маданияти ва турмуш тарзи жамиятнинг асосий мезонига айланди. Бу даврда шаҳар атрофига эмас, балки узоқ қишлоқлар ҳам шаҳарга тақлид қилиб яшай бошлайди.

Бу даврда Довон, Суғд, Бактрия (Балх), Эрон, Ҳиндистон ва кўшни кўчманчи қабилалар билан савдо-сотик алоқалари олиб борган. Птолемей маълумотларига кўра, Шарқни Осиё ва Ғарб билан боғловчи Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи (Марв-Чоржўй, Самарқанд-Фарғона) Фарғона худудидан ўтган. Милоддан аввалги I асрда Фарғона водийси ўз даврининг кучли давлати ҳисобланган Кушон империяси таркибига кирган. Бу даврда Фарғона водийсининг энг йирик шаҳри ва маркази Косон (ҳозирги Косонсой) иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаган. Кушон империяси даврида Фарғона водийсида деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари хунармандчилик, пилла етиштириш, руда казиб олиш ривожланган. Кушон империясининг емирилиши даври милоднинг III – IV асрларига тўғри келади.

IV аср охири V аср бошларида Фарғона водийси эфталитлар давлати таркибига кирган. VI асрнинг ўрталарида Жанубий Сибир, Шарқий Сибир, Муғилистон, Еттисув ва Тянь-Шань худудларида яшовчи, чорвачилик билан шуғилланувчи йирик кўчманчиларнинг давлати Турк хоқонлиги таркиб топди. Тез орада бу хоқонлик Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонлигига бўлинди ва Фарғона водийси Ғарбий Турк хоқонлиги таъсирида қолди. Кушон империяси “қалъалари” ўрнида Ахсикент, Қубо (Қува), Новкент каби шаҳарлар мавқеи кучаяди.

Хитой манбаларида катта қишлоқлар ҳам шаҳар деб тилга олинади. Ахсикент сингари пойтахт шаҳарлар эса ҳар томонлама ривожланади. Айниқса, милоднинг



V – VII асрларида шаҳарда уй-жой қурилишига катта аҳамият берилади. Уйлар беш-олти хоналик қилиб қурилган. Хона деворлари жуда силлиқ қилиб сувалган, баъзи уйларда сувоқ устига рангли бўёқлар берилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида ётоқхона, омборхона, ошхона, бир хилларида тоза сув қудуғи ҳам бор. Ётоқхоналарда девор бўйлаб кенг суппа, ерда эса сандалга ўхшаш иситгич-ўчоқлар мавжуд [1].

Бу даврга келиб қитъалараро йўл Фарғона халқлари ҳаётида жуда муҳим ўрин ўйнай бошлайди. Айниқса VI-VII асрларга келиб суғд-турк савдогарлари Шарқда Хитой орқали Корея ва Япониягача, Ғарбда ўрта ер денгизи бўйи давлатларигача, Жанубда Ҳиндистон ва Цейлонгача бориб, савдо-сотик ишлари билан шуғилланганлар. Бу эса Ўзбекистоннинг қадимий вилоятлари ҳисобланган Шош-Илоқ (Тошкент), Фарғона (Фарғона водийси), Уструшона (Сирдарё-Жиззах) ва Суғдни (Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро) иқтисодий баркамолликка, уларда яшаган халқлар турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади. Бу борада Ахсикент ва Самарқанд сингари йирик шаҳарлар катта ўринга эга бўлган [3].

Янги аср бошидан бошлаб Ахсикент, Афросиёб, Шохрухия, Бойканд, Термиз каби шаҳарларда шиша буюмлар ишлаб чиқарилган. Умуман олганда кварц кумининг 1200° да эриб шишага айланиши олдиндан маълум. Антик даврдаёқ Юнонистонда рангли смальталардан мозаикалар ишлашган. Смальта билан шиша битта нарса. Айтмоқчимизки, сопол ва шишаларнинг барча қазималарда учраши одатий ҳол. Ҳунармандчиликнинг ва амалий санъатнинг ривожланиши учун биринчи навбатда маълум ҳудудда зарурий хом ашёларнинг бўлиши зарур. Ахсикент ва унинг атрофида соф тупроқ, ранглар тайёрлаш учун барча турдаги ўсимликлар, пахта, пилла, тери, кварц куми, даламит, пигматит, дала шпати, каолин, қалай, жез, кумуш, олтин, темир ва бошқа рудалар мавжуд эди, демакки, бу ерда ҳунармандчиликнинг барча соҳалари юқори савияда ривожланиши учун ҳамма имконият бор эди.

Булар энг тоза, қимматбаҳо ва сифатли хом-ашёлардан тайёрланади ҳамда ўз даврининг етук, санокли ҳунармандлари томонидан яратилади, ижод этилади. Бундай буюмлар нафақат тарихий, балки санъат асари сифатида ҳам бадиий қийматга эга бўлган бебаҳо топилма ҳисобланади.

Фарғона водийсида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдоси нафақат Мовароуннаҳрда балки буюк ипак йўли орқали бутун дунёга машҳур бўла бошлайди. Буюк ипак йўли орқали хилма-хил маҳсулотлар, жумладан, ипак матолар, қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумуш буюмлар, дори-дармонлар ва ранг-баранг бўёқлар, самовий тулпорлар, ажойиб қушлар, жаннатий мевалар ва уларнинг қурилган холдагилари, ҳар хил ичимликлар ташилган. Афсоналарга бой бу йўл бўйлаб иқтидорли мусиқачилар, актёрлар, рассомлар, қўли гул усталар ва дин тарғиботчилари саёҳат қилганлар.

Ёзма манбаларнинг берган хабарларига қараганда, Хитой императори саройида Тошкент ва Самарқанддан борган санъат усталари доимий чиқишлар қилиб турган. Хитой императори Фарғонанинг самовий отларида сайр қилишни ҳамда саф тортиб турган харбий кўшинлари олдида пайдо бўлишни яхши кўрган.

Ўрта Осиё подшоҳлари эса Хитой ипак матоларидан тикилган либосларни яхши кўриб кийишган. Тили ва диний эътиқоди ҳар хил бўлишига қарамай, Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона халқлари ёна-ён, тинч-тотув, ҳаёт кечирганлар. Бу ўз навбатида иқтисодий юксалишга олиб келаган.


Сўғд ҳоқонлиги даврига мансуб (V-VI асрлар) Попдаги сағаналардан топилган буюмлар ичида пахта ва ипакдан тўкилган матолар, кийимбошлар бор эди. Булар жуда ноёб топилма, чунки матолар камдан-кам сақланиб қолади. Кийимларнинг бичилиши ва тикилиши ҳам усталик билан бажарилган. Ипак матолар асосан тўқ яшил, жигарранг ва тўқ қизил рангларда. Аёллар кўйлақларининг енг ва кўкракларига майда маржонлар қадаб, кашталар тикилган. Попликлар қадимдан тўқимачилик, матога хилма-хил ранг бериш, гул босиш, каштачилик, чиройли бичиш ва тикиш санъатини яхши билишган. Кийим-кечаклардан ташқари 10 минг донага яқин қимматбаҳо тошлардан, ҳайвон суякларидан ишланган мунчоқлар топилган. Топилмалар ичида металдан ясалган узуклар, исирғалар, ёғоч идишлар, жимжимадор нақшлар ўйиб ишланган пичоқ дасталари, тароқлар ва қўшна топилганки, булар қадим Попда халқ амалий санъатининг бир қанча соҳалари яхши ривожланганлигини намоён этган эди.

Ахсикент VII-VIII асрларда. Мамлакатимизнинг илк ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда бирламчи манбалар, хусусан, араб тилида ёзилган кўлёзма манбаларнинг аҳамияти бекиёсдир. Улар орасида Ал-Балазурийнинг (IX аср) “Футух ал-булдон” (Мамлакатларнинг фатҳ этилиши), Ат-Табарийнинг (X аср) “Тарих ал-умам ва-л-мулк” (Халқлар ва ҳукмдорлар тарихи), Ибн ал-Асирнинг (XIII аср) “Ал-камил фи-т-тарих” (Энг мукаммал тарих) асарларида мамлакатимизга ислом динининг кириб келиши ва унинг тарқалиши ҳақида талай маълумотлар учрайди. Шундай тарихий манбалардан яна бири Ибн Аъсам ал-Куфийнинг “Китоб ал-футух” асари бўлиб, унда арабларнинг Ўрта Осиёда олиб борган ҳарбий ҳаракатлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган [2].

Ибн Аъсам ал-Куфийнинг “Китоб ал-футух” асари манбашунослик жиҳатидан олимлар томонидан ҳали чуқур тадқиқ этилмаган. Асарнинг хазарлар тарихига оид қисми Д.М.Данлоп [3], Д.Людвиг [4], М.И.Артаманов томонидан ўрганиб чиқилган. З.М.Бунятов ҳам Озарбайжон тарихига оид айрим маълумотларни рус тилига ўгирган. Асарнинг Ўрта Осиё тарихига оид қисмлари эса илмий тадқиқотларда жалб қилинган бўлса-да, махсус ўрганилмаган.

Асар муаллифи ва унинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Бизга маълум бўлган араб тарихчиларининг асарларида унинг номи ҳеч қаерда қайд этилмаган. Махсус илмий адабиётларда ҳам муаллифнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Ҳатто унинг яшаган даври ҳақида аниқ маълумот йўқ. Айрим олимлар фикрига кўра, у тахминан IX – X асрларда яшаган ва Ал-Яъқубий, Ал-Балазурий, Ат-Табарий каби машҳур араб тарихчилари билан замондош бўлган.

“Китоб ал-футух” асарининг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Лекин унинг икки қисмдан иборат насх ёзувида XIV асрда кўчирилган нусхаси Истанбулда Тўпқопи саройидаги Аҳмад III кутубхонасида 2956-рақам остида сақланмоқда [5].



XVI асрда асар форс тилига таржима қилинган бўлиб, унинг бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд. Бу асарда келтирилган маълумотлар Ат-Табарий, Ал-Балазурий ва Ал-Яъқубий асарларидан кўп жиҳатлари билан фарқланади. Асарнинг биринчи жилди 267 та бобдан иборат бўлиб, Усмон (р.а.)нинг сўнгги йилларидан то Маъмуннинг халифалик йилларигача ўзида жамлаган. Асарнинг иккинчи жилди 273 та бобни қамраган, Ал-Маъмуннинг ўлдирилиши ва Бобек қўзғолони, шунингдек, халифа Ал-Мустаъиннинг ўлдирилиши ҳақида маълумот беради [6]. Биз учун асарнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг фатҳ этилиши ҳақидаги қисмлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Унда арабларнинг Фарғона водийсида олиб борган урушлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Қуйида уларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз.

Бешинчи асрнинг охирларида Фарғонанинг пойтахти Косон ҳисобланган. Балазурий Фарғонанинг қадимий пойтахти сифатида Ахсикентни келтириб, уни Хшикат тарзида беради. Табарий эса араб истилолари даврида Фарғонанинг асосий шаҳри сифатида Косонни келтиради ва бу фикр айна ҳақиқатга яқиндир. А.Н.Бернштом Косоннинг VII асрларда ташкил топгани, Муғтепа ҳамда Муғқол манзилгоҳида жойлашганлигини келтириб ўтади.

Ибн Аъсам ал-Куфийнинг асарида “Язид бин Абу Кабшанинг Ироққа ноиб бўлиши ва Қутайбанинг Фарғонага юриши” бобидан қуйидаги маълумотларга эга бўлишимиз мумкин: “... сўнг Ал-Валид бин Абдулмалик Язид ибн Абу Кабша номли бир кишини чақиртирди ва уни Ал-Ҳажжожнинг ўрнига Ироқнинг ҳукмдори этиб тайинлади ва Қутайбага Хуросонда қолишини буюрди. Язид ибн Абу Кабша Ироққа етиб борди ва Қутайба ибн Муслимга ўзининг Ироққа ноиб бўлгани ва уни Фарғонага юриш қилишга чорловчи мактубни ёзди.

Язид ибн Абу Кабшанинг мактуби Қутайбага етиб борганида, ўз издошларини чақириб тўпланишиганида уларга мактубни ўқиб берди. Сўнгра уларга Фарғона аҳли билан жанг қилиш учун қуролланишларини буюрди. Аҳоли бунга рози бўлди. Қутайба катта қўшини билан Фарғона ерига бориб етди, у ернинг аҳолисини батамом қиришди ва асир олишди. Мусулмонлар кўплаб ўлжаларни қўлга киритишди. Сўнгра Қутайба Фарғона ҳукмдори Бошак олдига борди, унинг Казох номли мустаҳкам қалъаси бор эди. Бошак ўша қасрда қамалдан ҳимояланишни хоҳлаганларни жамлади. Қутайба уни 7 ой қамал қилди ва худди орқасига қайтгандай уларга ҳийла ишлатиб қалъани аёвсиз талади ва унинг бошини танасидан жудо қилди. Ҳамма бойликларни қўлга киритиб, уларнинг 1/5 улушини ажратди ва ироқликлар амири Язид бин Абу Кабшага юборди. Ундан қолган қисмини эса мусулмонлар ўртасида тақсимлади. Ал-Валид ибн Абдулмалик Қутайба ибн Муслимнинг Фарғонани фатҳ этганини, аҳолиси устидан зафар қучгани ва ҳукмдорини ўлдирганини билганидан сўнг унга мактуб ёзди.

Мўминлар амири сенинг мусулмонларнинг душманларига қарши матонатинг, муширлардан қасос олганинг ҳақида маълумот олди, мўминлар амири сенинг хизматларингни юқори баҳолайди ва қадрлайди. Аллоҳдан сенга дин йўлидаги урушингда яхшиликлар тилайман” [7].

Асарнинг ушбу бўлимида фатҳнинг санаси ҳақида маълумот келтирилмаган. Ушбу бобдан олдинги бобда эса 94 ҳижрий йил ҳақида гап боради. Қутайба ибн

Муслим тўқсон тўртинчи йили (7 октябрь 712—25 ноябрь 713) Бухоро ҳисор (арк) ининг ичида масжиди жоме бино қилди. У жой (илгари) бутхона эди. Қутайба Бухоро аҳолисига ҳар жума куни у ерга йиғилишга буюрди; чунончи, у ҳар жума куни жарчи қўйиб: “Жума намозига ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирҳам бераман”, - деб чақиртирар эди [8].


Чунки бу юртда Ислом дини ҳали янги дин эди, кўпчилик ўзининг қадимий оташпарастлик динидан тўлиқ қайтмаган эди. Эски дин тарафдорлари ўзларига тақлиф этилган динга бир мунча давр қарши турдилар. Аста секинлик билан Аллоҳ таолонинг ҳидояти билан Бухоро аҳли Исломнинг адолатлигини ва гўзаллигини кўриб, ўз ихтиёрлари билан бирма бир мусулмон бўла бошладилар. Ҳисор ичида бўлган масжиди жомени Қутайба бино қилган, одамлар унда намоз ўқир эдилар. Мусулмончилик кенг тарқалиб, одамларнинг Ислом динига бўлган рағбатлари кундан-кунга ортаборгач, улар бу масжидга сиғмай қолдилар. Бу ҳол Фазл ибн Яҳё ибн Холид Бармакий давригача давом этди [9]. У Ҳорун ар-Рашид (786-809) замонида Хуросон амири бўлди. Бухоро халқи йиғилдилар ва иттифоқлашиб бир юз эллик тўртинчи йили (24 декабрь 770— 12 декабрь 771) ҳисорнинг (оқава сувлари тушадиган) ховузини қазидилар ҳамда ҳисор ва шаҳристон ўртасида масжиди жоме бино қилдилар [10].

Бухоро арки ва шаҳристон бозори орасида қурилган жоме масжид Мовароуннаҳрда қурилган биринчи масжид ва ҳозирги “Масжиди Калон”нинг аввалгиси биноси эди. Амир Исмоил Сомоний (888-907) давригача ҳар ким бу масжидни кенгайтириб борди. Амир Исмоил кўп уйлар сотиб олди ва масжиди жомени учдан икки ҳиссасича кенгайтирди. Айрим маълумотларда келтирилишча, ўша пайтларда Масжиди Калон 100 минг мусулмонни сиғдирган.

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий (810-870) Бухорога келганларида Масжиди Калон жуда катта масжид бўлган. Бу ерда дарс ўтганларида маълум бир масофада.

Мубаллиғлар, яъни, етказувчилар туриб, имом Бухорийнинг оғзиларидан нима чиқса, халққа етказиб турганлар. Ҳамма эшитиб, ёдлаб, ёзиб борганлар [11]. Масжиди Калонда Имом Бухорийдан бир вақтнинг ўзида 10 мингга яқин одам дарс олган. Фарғона водийсидаги биринчи масжидни Қутайба ибн Муслим қадимги Фарғона шаҳридаги (Ахсикент шаҳрида) будхона ўрнида (А.Анорбоев томонидан аниқланган) очган ва “Жума намозига ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирҳам бераман”, — деб чақиртирган бўлса ажаб эмас деб фикр юритсак арзийди. Келгусида бу масжид ҳам номозгоҳ ҳам мадраса вазифасини ўтаган.

Яна Муғ қалъаси архивига оид А – 14 хужжатга қайтсак. Фатуфарн мактубида Фарғона мулки сўғдчада “Фраганик” номи билан тилга олинган. Мактуб мазмунига кўра (сўғдчадан авестошунос, профессор Мирсодиқ Исҳоқов томонидан таржима қилинган) Сўғд ихшиди Диваштич томонидан 717 – 719 йилларнинг оралиғида Чочнинг ҳукмдори ва Фраганик ихшидлиги хузурига элчи юборилган. Элчи Фатуфарннинг асосий вазифаси араб истилочиларига қарши иттифоқни тузишдан иборат бўлган эди. У Чочда хоқонликнинг олий мансабдаги амалдори – тудун, Фраганик ихшидлигининг тутуғи (ҳарбий вакили), форс



лашкарбошиси ва Марвон исмли шахс билан учрашган. Қайтишда эса Усрушона (Жиззах) орқали ўтишнинг иложини топа олмасдан (бу худуд араблар томонидан босиб олинган эди), Чочга қайтиб, Диваштичга Марвон исмли ишончли шахс орқали мактуб юборганди. Ана шу мактубда Фарғона подшоси номига ёзилган Диваштичнинг хатини Фраганик тутуғи орқали Фраганага бериб юборилганлиги ҳам баён этилган.

Фрагана ихшидлигида сиёсий ва иқтисодий давлат бошқаруви тизими Сўғдиёна ҳамда Тоҳаристон (Сурхондарё вилояти, Шимолий Афғонистон ва Тожикистон) дагидан унчалик ҳам фарқ қилмаган. Араблар юришинининг дастлабки йиллари VIII асрнинг бошларида илк араб тарихчиси Табори Фарғона водийсининг 5 та шахрини тилга олади, улар: Хўжанд, Косон, Баб, Қубо ва Фарғона. Арабларнинг Фарғона водийсига кириб келишидан (723 йил) бошлаб араб хукмронлигига қарши курашда Фарғона шоҳи ал-Тар (Олатар) асосий ролни ўйнаган эди. У арабларга қарши кўзғолон кўтарган самарқандликларга кўмак берган эди. Бундан қаттиқ ғазабланган ҳолда Фарғонага қарши юриш бошлаган Муслим ибн-Саид эса водийдан улоқтириб ташланганди.

Арабларнинг истилоси оқибатида бутун Турк хоқонлиги, шу жумладан, Фарғона водийсидаги тинч ва барқарор ҳаёт ўз ўрнини уруш, беқарорликка бўшатиб беришга мажбур бўлган. Лекин, бу жараён унча узоққа чўзилмаган. VIII асрнинг интиҳосидан ҳаёт тагин аввалги барқарор ривожланиш ўзанига қайта бошлайди.

Фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Умматов Р. Юсупов. И. Ахсикент. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.50.
2. Сатимова С. Фарғонанинг фатх этилиши. Водийнома . 2017 й. № 2. Б.22
3. Dunlop D.M. The history of the Jewish Khazars. – Princeton, 1954.
4. Ludwig D. Struktur und gesselchaft des Chasaren-Reiches Licht den schriftlichen Quellen. – Munster, 1982
5. Topkapi Sarayi Muezesi Kueteuephanasi Arapca Yazmalar katalogu / Hazirlayan F.E. Karatay – Istanbul, 1966. – S.341 – 342. №1956/1-2.
6. Akdes Nimet Kurat. Abu Muhammad b. A'tham al-Kufi's Kitab al-futuh and its importance concerning the Arab conquests in Central Asia and the Khazars // Ankara Universitesi Dil ve tarih-ceografya fakultesi dergisi. – Haziran, 1949. – P.277.
7. Prof. Sayyid 'Abdul Wahab Bukhari. Kitabu'l futuh by Abu Muhammad ibn A'tham al-Kufi. – Hyderabad: The Da'iratul al-Ma'rifi'l Osmania. First edition. – P.249.
8. Бухоро тарихи. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.124.
9. Имом Бухорий. 148/765-66 туғилиб 240/857-58 йилда вафот этган Википедиядан.
10. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: 1991, Камалак. – Б.125.
11. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Одоблар хазинаси. – Тошкент: 2008, Шарқ. – Б.52